

5. Karimov A.A., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Imamova N.M. Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari, Darslik, - T.:2021, 332 b.
6. Fredrick D.S. Choi & Gary K. Meek (2005) International Accounting, Pearson Prentice Hall, Upper Saddle River, pp.4-18
7. Emmanuel T. De George, A Review of the IFRS Adoption Literature, [Review of Accounting Studies, Forthcoming, 24.09.2015, page 118](#)
8. J. Gordon, International financial reporting standards – explained, 2022
9. Irvine, H., & Lucas, N. The Globalization of Accounting Standards. Working paper, 3rd International Conference on Contemporary Business, 2006
10. Paanamen, M., & Lin, H. The Development of Accounting Quality of IAS and IFRS over Time: The case of Germany. Journal of International Accounting Research, 2009, 31-55 p.
11. Latifah, I., Asfadillah, C., & Sukmana, R. History and Development of IFRS and AAOIFI and Their Future Challenge. Working paper, Cambridge Business and Economics Conference, Cambridge University, UK, 2012
12. Teterleva A.S. Mejdunarodnye standarty finansovoy otchetnosti: uchebnoye posobie. - Yekaterinburg: Izd. Ural. un-ta, 2016, str. 10.
13. AICPA, IFRS FAQs, www.ifrs.com
14. https://uzautomotors.com/articles/mdhdagi_eng_yirik_avtomobil_ishlab_chiqarish_ipo
<https://www.fitchratings.com/research/corporate-finance/fitch-upgrades-jsc-uzauto-motors-to-bb-outlook-stable-13-12-2022>



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ТАВСИФЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР МОДЕЛИ

Эшбекова Зилола Турғунбоевна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
докторанти

doi: doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a24

Аннотация. Мақола рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий натижаларни тавсифловчи күрсаткичлар моделига бағишиланған бўлиб, буғунги кундаги долзарб бўлган рақамли иқтисодиёт, молиявий натижалар тўғрисида ўзаро боғлиқ тадқиқот олиб борилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётлар доирасида молиявий натижажа тушунчасининг моҳияти ўрганилган бўлиб, молиявий натижанинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги аҳамияти очиб берилган.

Ключевые слова: фойда, соф фойда, маржжа, харажат, рентабеллик, молиявий натижса, рақамли иқтисодиёт.

МОДЕЛЬ ПОКАЗАТЕЛЕЙ, ХАРАКТЕРИЗУЮЩИХ ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Эшбекова Зилола Турғунбоевна -
Докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. Статья посвящена модели показателей, характеризующих финансовые результаты в условиях цифровой экономики, и проведено соответствующее исследование цифровой экономики и финансовых результатов, актуальных на сегодняшний день. Также в рамках экономической литературы изучена сущность понятия финансового результата, выявлено значение финансового результата в деятельности хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: прибыль, чистая прибыль, маржжа, себестоимость, рентабельность, финансовый результат, цифровая экономика.

A MODEL OF INDICATORS CHARACTERIZING FINANCIAL RESULTS IN THE DIGITAL ECONOMY

Eshbekova Zilola Turgunboevna -
Tashkent State University of Economics, PhD student

Abstract. The article is devoted to the model of indicators characterizing financial results in the conditions of the digital economy, and an interrelated research was conducted on the digital economy and financial results, which are relevant today. Also, the essence of the concept of financial result was studied within the framework of economic literature, and the importance of financial result in the activity of economic entities was revealed.

Keywords: profit, net profit, margin, cost, profitability, financial result, digital economy.

Кириш. Дунё тобора ўзаро боғланған ва технологияга асосланған бўлиб борар экан, рақамли иқтисодиёт глобал бизнес майдонларини шакллантиришида устун куч сифатида пайдо

бўлди. Анъанавий молиявий күрсаткичлар энди ушбу динамик муҳитда фаолият юритаётган корхоналарнинг самарадорлиги ва муваффақиятини баҳолаш учун етарли эмас. Бунинг ўрнига

рақамли иқтисодиётда молиявий натижаларнинг ўзига хос жиҳатларини қамраб олиш учун кўрсаткичларнинг янги модели зарур. Рақамли иқтисодиёт корхоналар фаолияти ва молиявий натижаларни ишлаб чиқариш усулларини ислоҳ қилмоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармонида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархи, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффоғлигини ошириш каби вазифалар белгилаб олинганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Ҳар доим хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолияти молиявий натижка билан якуний кўрсаткични ифодалайди. Ташкилий-хукуқий шаклдаги ташкилотнинг фаолияти молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишга қаратилган бўлиб, бу унинг асосий мақсади ҳисобланади. Фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва ҳажмини, меҳнат унумдорлиги ҳолатини ва таннарҳ даражасини энг кўп акс эттирувчи кўрсаткичdir. Молиявий натижалар маълум бир даврдаги, одатда, молиявий йил давомида компаниянинг молиявий кўрсаткичлари натижаларини билдиради. Молиявий натижалар компаниянинг молиявий ҳолати, рентабеллиги, ликвидлиги ва умумий фаолияти ҳақида қисқача маълумот беради. Молиявий натижаларнинг аҳамияти уларнинг турли манфаатдор томонлар, жумладан, инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар, бошқарув ва назорат қилувчи органлар учун муҳим бўлган маълумотларни тақдим этиш қобилиятидадир.

Адабиётлар таҳлили. Биз тадқиқотимиз доирасида рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганишни мақсад қилганимиз, шу боис, аввало, молиявий натижаларнинг иқтисодий тушунча сифатида мазмун-моҳиятини очиб бериш ва сўнгра тадқиқотимизнинг мақсадини очиш муҳим. Шу сабабли бу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларни бирма-бир ўрганиб чи-

кишни лозим топдик. Иқтисодий адабиётларда молиявий натижалар кенг муҳокама қилинадиган ва таҳлил қилинадиган мавзудир. Тадқиқотчилар, олимлар ва иқтисодчилар молиявий натижаларнинг турли томонлари ва уларнинг оқибатларини ўрганишди. Иқтисодий адабиётларда келтирилган баъзи умумий шарҳлар ва кузатишлар: айрим нашрларда молиявий натижажа – фоизлар ва солиқларни тўлашдан олдинги даромад ва солиқларни тўлашдан олдинги даромад ўртасидаги фарқ. Бу молиявий ишлардан келиб чиқадиган даромад ёки заарар билан белгиланади [1].

В.Г.Гетман фикрича, “молиявий натижажа фойда ёки заарар кўрсаткичлари билан белгиланади, бошқарув натижаси ва сарфланган харожатлар самарарадорлигини умумлаштирилган шаклда акс эттиради” [2].

О.В.Ефимова бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: “Корхонанинг молиявий натижаси деганда фойда тушунилади, шу билан бирга, якуний натижажа ҳақиқатан ҳам эгалари тасаррuf этиш хукуқига эга бўлган натижадир, жаҳон амалиётида бу “соғ активларнинг кўпайиши” деган маънени англаради” [3].

В.В.Бочаров эса “Корхонанинг молиявий натижаларини шакллантириш тартиби молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга киритилган моддаларни тизимлаштиради ва ҳисобот даврининг ялпи фойдасидан тақсимланмаган (соғ) фойда (қопланмаган заарар)гача шакллашишини кўрсатади” [4].

Г.В.Савитская ўз тадқиқотида: “Корхонанинг молиявий натижалари олинган фойда миқдори ва рентабеллик даражаси билан тавсифланади. Фойда – соғ даромаднинг бевосита хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот сотилгандан кейин олинадиган қисми; рентабеллик кўрсаткичлари умумий иш самарадорлигини тавсифлайди ва фойдадан кўра кўпроқ бошқарувнинг якуний натижаларини акс эттиради, чунки уларнинг қиймати таъсирнинг пул ёки фойдаланилган ресурсларга нисбатини кўрсатади” [5], – деб изоҳлаб ўтган.

М.Н.Креинина эса молиявий натижаларни очиб беришда: “...фойда – корхонанинг молиявий кўрсаткичларини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткич, барча турдаги даромадларнинг барча турдаги харожатлардан ошиб кетиши” [6], – деб таъкидлаган.

Ташкилотнинг молиявий натижалари ва рентабеллиги компаниянинг айланма маблағларини таҳлил қилиш билан бевосита боғлиқ. Фойда тадбиркорнинг инвестиция қилинган капитал бўйича соғ даромади бўлиб, пул шаклида ифодаланади, унинг бизнесни юритиш хавфи учун ҳақ тўлашини тавсифлайди. Фойда –

бизнеси юритиш жараёнида умумий даромад ва умумий харажатлар ўртасидаги фарқ [7].

Хўжалик юритувчи субъектнинг рентабеллиги мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Даромаднинг мутлақ кўрсаткичи фойда (даромад) миқдоридир. Нисбий кўрсаткич – рентабеллик даражаси. Рентабеллик – ишлаб чиқариш ва савдо жараёнининг рентабеллиги (рентабеллиги), унинг қиймати рентабеллик даражаси билан ўлчанади [8].

Ташкилотнинг фаолияти, кўпинча, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари билан баҳоланади, бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, унинг ритми ва мулкий потенциалнинг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлигига сезиларли даражада боғлиқ [9].

Фаолиятнинг молиявий натижаси жамият тараққиётининг маълум бир босқичида шаклланган ортиқча маҳсулот қийматининг бир қисмини пул шаклида шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш бўйича иқтисодий муносабатларни амалга оширишнинг маълум шаклини ифодалайди, муайян иқтисодий тизимда ва унда яратилган иқтисодий механизм орқали амалга оширилади [10].

Компаниянинг фойдаси тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади. Ҳар қандай бизнес турини амалга оширишнинг асосий мотиви, унинг асосий якуний мақсади корхона эгаларининг фаровонлигини оширишидир. Ушбу ўсишнинг ўзига хос хусусияти инвестиция қилинган капитал бўйича уларнинг жорий ва кечикирилган даромадлари ҳажми бўлиб, унинг манбаи олинган фойда ҳисобланади [11]. Е.Г.Великая, В.В.Чурко ўз тадқиқотларида: “Иқтисодий фаолият самарадорлиги рентабелликнинг иқтисодий категорияси билан ифодаланади. Умуман олганда, рентабеллик ролини ўйнайди [12].

Оддий фаолиятнинг якуний молиявий натижаси тасодифий характеристега эга бўлган ва жуда кам учрайдиган фавқулодда даромадлар ва харажатлар баланси билан кўпайган ёки камайган ҳолда тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳосил қиласди. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) миқдорини аниқлаш молиявий йилни тугатади [13].

Молиявий натижада ҳисобот давридаги молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида ташкилот капиталининг кўпайиши ёки камайиши, фойда ёки зарар кўринишида ифодаланади [14].

В.Е.Ануфриев фикрича эса “молиявий натижада – ташкилотнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ. Даромаднинг харажатлардан ошиб кетиши ташкилотнинг мулки – фойданинг кўпайиши ва харажатларнинг даро-

маддан кўпайиши – мулкнинг камайиши – зарарни англатади” [15].

Молиявий натижада – хўжалик юритувчи субъектнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ ёки жаҳон амалиётида унинг соғ активларидаги ўсиш/камайишини қандай изоҳлаши [16].

Фойда ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва сифати, меҳнат унумдорлиги ҳолати ва таннарх даражасини энг тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичидир [17]. И.Н.Чуев, Л.Н.Чуева фикрича, фойда корхонанинг молиявий натижалари, унинг ишининг мутлақ самарадорлигини тавсифлайди [18].

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин, Е.В.Негашев ўз тадқиқотларида: “Корхона фаолиятининг якуний молиявий натижаси ҳисобот даврининг баланс фойдаси (зарари) бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган натижада, молиявий фаолият натижаси, даромадлар баланси ва даромадлар балансининг алгебраик йиғиндиси бошқа номутаносиб операциялар бўйича харажатлар ҳисобланади,” [19], – деб изоҳлаб ўтишган.

Молиявий таҳлил соҳаси ва унинг турли иқтисодий жиҳатларга таъсири ривожланишда давом этмоқда, чунки тадқиқотчилар молиявий натижаларнинг мураккабликлари ва динамикасини чуқурроқ ўрганишда давом этмоқдалар.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотда молиявий натижада бўйича изланишлар олиб борилган бўлиб, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усусларига таянилган, яъни анализ, синтез, индукция, дедукция ва илмий абстракт усуслари.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотларга асосланадиган бўлсақ, молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш учун ҳал қилувчи восита сифатида қаралаётганлиги гувоҳи бўлдик. Улар рентабеллик, самарадорлик ва умумий молиявий ҳолатини баҳолаш учун миқдорий асосни таъминлади. Молиявий натижалар, хусусан, соғ даромад ва фойда маржаси каби рентабеллик кўрсаткичлари кенг ўрганилади. Иқтисодчилар рентабелликка ҳисса қўшадиган омилларни ва унинг акциядорлар даромадига таъсирини ўрганадилар. Улар турли соҳалар ва бизнес моделлари молиявий натижаларга қандай таъсир қилишини ва компаниялар рентабелликни максимал даражада ошириш учун фойдаланадиган стратегияларни ўрганадилар.

Молиявий натижалар, кўпинча, бозор реакцияларини келтириб чиқаради ва компанияларнинг баҳосига таъсир қиласди. Тадқиқотчилар молиявий натижалар ва қимматли қофозлар баҳоси ўртасидаги муносабатни ўрганиб, ижобий ёки салбий молиявий кутилмаган ҳодисалар инвесторларнинг кайфияти ва бозор фао-

лиятига қандай таъсир қилишини таҳлил қила-
дилар. Шунингдек, улар молиявий натижалар-
нинг бозор самарадорлиги ва тахминларни
шакллантиришдаги ролини ўрганадилар.


Молиявий натижалар потенциал молия-
вий қийинчиликларни аниқлаш ва корпоратив
муваффақиятсизликларни башорат қилишда
муҳим роль йўнайди. Рентабелкнинг пасайи-
ши, қарз даражасининг ошиши ва ликвидлик
муаммолари каби молиявий аҳволнинг ёмонла-
шуvidan далолат берувчи молиявий кўрсаткич-
лар ва нисбатлар, молиявий тангликнинг сабаб-
лари ва оқибатларини, шунингдек, эрта огоҳ-
лантириш тизимлари ва уларни бартараф этиш
чораларининг самарадорлигини ўрганишда аҳа-
миятли саналади.

Молиявий натижаларнинг аниқлиги ва
шаффоғлиги манфаатдор томонларнинг ишон-
чи ва бозор яхлитлиги учун муҳим ҳисобланади.
Ишончли молиявий ҳисботни таъминлашда
бухгалтерия ҳисоби стандартлари, қоидалар ва
корпоратив бошқарув амалиётларининг роли,
молиявий шаффоғликтининг инвестор ишончига,
бозор самарадорлигига ва капитал тақсимотига
таъсирини таҳлил қилиш ҳам муҳим саналади.

Шунингдек, молиявий натижаларни ком-
паниялар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақ-
қослаш кенг тарқалган тадқиқот ёндашувиdir.
Иқтисодчилар молиявий кўрсаткичлар, рента-
беллик омиллари ва саноатга хос омиллардаги
фарқларни ўрганадилар. Улар молиявий нати-
жалар ва фирманинг турли ўзига хос хусусият-
лари, масалан, ҳажми, ёши, мулкчилик тузили-
ши ва бозор рақобатбардошлиги ўртасидаги
муносабатни ўрганадилар.

Молиявий натижалар фақат алоҳида ком-
паниялар билан чекланмайди; улар ҳам кенгроқ
макроиқтисодий таъсирга эга. Тадқиқотчилар
ялпи молиявий натижалар ва уларнинг ЯИМ
ўсиши, инвестициялар даражаси ва бандлик
каби иқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқли-
гини таҳлил қиласидилар. Улар молиявий нати-
жалар иқтисодиётнинг умумий саломатлиги ва
унинг иқтисодий зарбаларга чидамлилигини
қандай акс эттиришини ўрганадилар.

Молиявий натижалар нима учун зарур
бўлишининг бир неча асосий сабаблари мавжуд
бўлиб, 1-расмда келтириб ўтганмиз.



1-расм. Молиявий натижалар тўғрисидаги маълумотларга бўлган эҳтиёжлар узвийлиги

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-расмда келтирилган зарурликларни
асослашга ҳаракат қиласидилар. Молиявий натижалар
манфаатдор томонларга компания фаолиятини
унинг мақсад ва вазифаларига нисбатан
баҳолаш имконини беради. У компаниянинг
рентабеллигини, даромадларининг ўсишини ва
операцион самарадорлигини баҳолаш учун миқ-
дорий асосни беради. Турли даврлардаги молия-
вий натижаларни таққослаш орқали манфаат-
дор томонлар онгли қарорлар қабул қилишга
ёрдам берадиган тенденцияларни аниқлашлари
мумкин.

Инвесторлар ва акциядорлар компания-
нинг молиявий ҳаётйилигини ва потенциал да-
ромадларини баҳолаш учун молиявий натижа-

ларга таянадилар. Улар ўз акцияларини сотиб
олиш, ушлаб туриш ёки сотишни аниқлаш учун
даромад, соғ даромад, акциядан олинган даромад
ва инвестициядан олинган даромад каби
асосий молиявий кўрсаткичларни ўрганадилар.
Молиявий натижалар компаниянинг даромад
олиш қобилиятини баҳолашга ёрдам беради ва
келажакдаги фаолиятини баҳолаш учун асос
яратади.

Молиявий натижалар молиявий режалаш-
тириш ва прогнозлаш учун асос бўлиб хизмат
қиласидилар. Ўтган йилги молиявий натижаларни
таҳлил қилиб, компаниялар кучли томонларини,
зайф томонларини ва яхшилаш учун зарур
йўналишларни аниқлашлари мумкин. Ушбу ту-

шунчалар реал мақсадларни белгилаш, бюджетларни шакллантириш, ресурсларни тақсимлашва келажақдаги ўсишни таъминлаш учун стратегияларни ишлаб чиқишида ёрдам беради.

Молиявий натижалар тартибга солиша ҳал қилувчи роль ўйнайди. Оммавий савдо компаниялари ўзларининг молиявий натижаларини бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва қоидалариға мувофиқ ҳисобот беришлари шарт. Молиявий ҳисоботлар шаффофоник ва ҳисобдорликни таъминлаб, компаниялар қонуний талабларга риоя қилишларини ҳамда манфаатдор томонларга тўғри ва ишончли маълумотларни тақдим этишларини таъминлайди.

Молиявий институтлар ва кредиторлар корхона ёки ташкилотнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва унинг кредит олиш имкониятини аниқлаш учун молиявий натижаларга таянадилар. Молиявий ҳисоботлар, хусусан, баланс ва пул оқими тўғрисидаги ҳисобот компаниянинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва қарзларини тўлаш қобилияти ҳақида тушунча беради. Кучли молиявий натижалар компаниянинг қулагай кредит шартларини олиш имкониятини оширади.

Раҳбарият операциялар, инвестициялар, харажатларни бошқариш ва стратегик режалаштириш бўйича асосли қарорлар қабул қилиш учун молиявий натижалардан фойдаланади. Молиявий маълумотларни таҳлил қилиш орқали раҳбарият такомиллаштирилган йўналишларини аниқлаши, ресурсларни самарали тақсимлаши ва бизнес жараёнларини оптималлаштириши мумкин.

Шуни айтиш керакки, молиявий натижалар зарур, чунки улар самарадорликни баҳолаш, инвестиция қарорлари, молиявий режалаштириш, норматив ҳужжатларга мувофиқлик, кредитга лаёқатлиликни баҳолаш ва ички қарорлар қабул қилиш учун муҳим маълумотларни тақдим этади. Улар манфаатдор томонлар учун компаниянинг молиявий ҳолати ва истиқболларини тушунишлари учун муҳим воситалардир.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг З-сонли БХМС – «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» миллий стандартида келтирилган асосий кўрсаткичлар қўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган асосий кўрсаткичлар [20]

Реализациядан соф тушум	Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар
Реализациядан ялпи молиявий натиза	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси
Асосий фаолиятдан бошқа операцион даромадлар ва харажатлар	Фавқулоддаги фойда ва заарлар
Асосий ҳўжалик фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар)	Даромад (фойда) солиги тўлангунга қадар умумий молиявий натиза (фойда ёки зарар)
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	

Ушбу тадқиқот ишимизда юқорида таъкидлаб келганимиздек, рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий кўрсаткичларни самарали баҳолай оладиган кўрсаткичларнинг кенг қамровли моделини ишлаб чиқишининг асосий элементлари ва мулоҳазалари ўрганилади. Молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар

моделининг биз томонимиздан халқаро тажрибаларга таянган ҳолдаги таркибини қўйидаги 2-жадвалда келтириб ўтганмиз.

Даромад товарлар ёки хизматларни сотишдан олинган умумий пул миқдорини ифодайди. Бу компаниянинг молиявий кўрсаткичлари ва ўсишининг асосий кўрсаткичидир.

2-жадвал

Молиявий натижаларни тавсифловчи кўрсаткичлар модели

Даромад	Активлар рентабеллиги
Соф даромад	Ўз капиталининг рентабеллиги
Ялпи фойда маржаси	Накд пул оқими
Операцион фойда маржаси	Қарзнинг ўз капиталига нисбати
Соф фойда маржаси	Жорий нисбат
Акция бошига даромад	Инвентаризация айланмаси

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Соф фойда ёки соф даромад сифатида ҳам танилган соф даромад жами даромаддан барча харажатларни олиб ташлангандан кейин қолган миқдордир. Бу компаниянинг рентабеллигини

акс эттиради ва унинг даромад олиш қобилиятини кўрсатади.

Ялпи фойда маржаси сотилган маҳсулот таннархини чегириб ташлагандан кейин қолган

даромад фоизини ўлчайди. Бу компаниянинг ишлаб чиқариш жараёни ва нарх стратегиясининг самарадорлигини кўрсатади.

Операцион фойда маржаси фоизлар ва солиқларни ҳисобга олишдан олдин компаниянинг асосий фаолиятидан олинган фойда фоизини кўрсатади. Бу компаниянинг харажатларни назорат қилиш ва асосий фаолиятидан фойда олиш қобилиятини таъкидлайди.

Соф фойда маржаси соф даромаднинг умумий даромадга нисбатан фоизини ўлчайди. У барча харажатларни, шу жумладан, солиқлар ва фоизларни ҳисобга олган ҳолда компаниянинг умумий рентабеллиги ҳақида тушунча беради.

Акция бошига даромадни муомаладаги акцияларнинг умумий сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади. У компания фойдасининг ҳар бир акцияга ажратилган қисмини ифодалайди. Акция бошига даромад, одатда, сармоядорлар томонидан компаниянинг даромадлилигини акция бошига баҳолаш учун қўлланилади.

Активлар рентабеллиги компаниянинг умумий активларига нисбатан рентабеллигини ўлчайди. Бу компания даромад олиш учун ўз активларидан қанчалик самарави фойдаланишини кўрсатади.

Ўз капиталининг рентабеллиги компаниянинг акциядорларнинг капиталига нисбатан рентабеллигини ўлчайди. У акциядорлар инвестицияларининг ҳар бир сўми учун олинган даромадни кўрсатади ва компаниянинг акциядорлар томонидан тақдим этилган капитал билан фойда олиш қобилиятини акс эттиради.

Нақд пул оқими компанияга ва компаниядан пул маблағларининг ҳаракатини ифодалайди. Ижобий пул оқими компания сарфлаганидан кўра кўпроқ нақд пул ишлаб чиқараётганини кўрсатади, бу унинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги учун жуда муҳимdir.

Қарзнинг ўз капиталига нисбати компаниянинг умумий қарзини унинг акциядорлари-

нинг капиталига солиштиради. У компаниянинг тўлов қобилияти ва молиявий таваккалчилик даражасини акс эттиради, бу қарзни молиялаширишнинг ўз капиталига нисбатан улушкини кўрсатади.

Жорий коэффициент компаниянинг қисқа муддатли мажбуриятларини қисқа муддатли активлари билан қоплаш қобилиятини ўлчайди. У жорий активларни жорий мажбуриятларга бўлиш йўли билан ҳисобланади. Коэффициент 1 дан юқори бўлса, компания ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини қондириш учун етарли активларга эга эканлигини кўрсатади.

Инвентаризация айланмаси компания ўз инвентарларини маълум бир давр ичидаги қанчалик тез сотишини ўлчайди. Бу инвентаризацияни бошқариш самарадорлигини ва инвентарни сотишга айлантириш қобилиятини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткичлар компаниянинг молиявий кўрсаткичлари, рентабеллиги, самарадорлиги ва ликвидлиги ҳақида қимматли маълумотларни беради. Улар инвесторлар, таҳлилчилар ва манбаатдор томонлар томонидан турли компанияларнинг саноат ёки вақт ўтиши билан молиявий натижаларини баҳолаш ва таққослаш учун кенг қўлланилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида даромад оқимлари кўпинча ноанъанавий шаклларни олади. Анъанавий савдо кўрсаткичларидан ташқари корхоналар рақамли реклама, обуналар, лицензиялаш, маълумотларни монетизация қилиш ва платформа тўловлари ва бошқа манбалар орқали даромад олади. Комплекс кўрсаткич модели ушбу турли хил даромад оқимларини ҳисобга олиши ва ташкилотнинг молиявий ҳолатининг яхлит кўринишини таъминлаши керак. Бундан ташқари у соф даромаддан ташқари рентабеллик кўрсаткичларини ҳисобга олиши керак, масалан, мижозларнинг умр бўйи қиймати, мижозларни сотиб олиш қиймати ва ялпи маржа коэффициентлари, айниқса, рақамли бизнес моделларида долзарбдир.

**Даромад ва
рентабеллик
кўрсаткичлари**

**Фойдаланувчини
жалб қилиш ва
сақлаш
кўрсаткичлари**

**Маълумотларга
асосланган
тушунчалар**

**Инновация ва
мослашувчанлик
кўрсаткичлари**

**Экотизим ва тармоқ
эффектлари**

2-расм. Рақамли иқтисодиётда молиявий натижаларнинг ўзига хослиги

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Рақамли иқтисодиётда фойдаланувчиларни жалб қилиш ва ушлаб туриш молиявий муваффақиятнинг муҳим омили ҳисобланади. Моделга фойдаланувчи хатти-ҳаракатларини ўлчайдиган кўрсаткичлар, масалан, фаол фойдаланувчилар, фойдаланувчиларнинг ўсиш суръати, ишламай қолиш даражаси ва фойдаланувчини ушлаб туриши керак. Бундан ташқари фойдаланувчи қониқишини Net Promoter Score (Промоутернинг аниқ рейтинги) ёки мижозлар эҳтиёжини қондириш сўровлари каби кўрсаткичлар орқали ўлчаш рақамли бизнеснинг узоқ муддатли ҳаётйлиги ва ўсиш потенциалини тушуниш имконини беради.

Маълумотлар рақамли иқтисодиётнинг қон томиридир. Бинобарин, ушбу контекстдаги молиявий натижалар учун индикатор модели маълумотларга асосланган тушунчаларни ўз ичига олиши керак. Маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар, масалан, маълумотларни йиғиши харажатлари, маълумотлар сифати ва маълумотларни монетизация қилиш салоҳияти муҳим компонентлардир. Бундан ташқари маълумотларни таҳлил қилиш ва улардан самарали фойдаланиш қобилияти, маълумотлар таҳлилидаги асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) томонидан тасдиқланганидек, компаниянинг рақобатдош устунлиги ва келаҗакдаги молиявий истиқболларини кўрсатиши мумкин.

Рақамли иқтисодиётда инновациялар тезлиги ва ривожланаётган тенденцияларга мослашиш молиявий муваффақият учун жуда муҳимдир. Илмий тадқиқот ва ишланмаларга инвестицияларни, маҳсулот ёки хизматларнинг инновация тезлигини ва бозор динамикасига жавобан бизнес моделларини айлантириш қобилиятини ўлчайдиган кўрсаткичлар киритилиши керак. Рақамли иқтисодиётдаги молиявий кўрсаткичлар, кўпинча, компаниянинг эгри чизиқдан олдинда бўлиш ва бузғунчи технологиялар ва бизнес моделларини қабул қилиш қобилияти билан чамбарчас боғлиқ.

Молиявий натижаларда молиявий кўрсаткич асосий хусусиятлардан бири бўлиб, рақобатбардошлиқ, бизнеснинг потенциали ва ташкilot бошқарувининг иқтисодий манфаатлари ҳамда ҳозирги ёки келажакдаги пудратчиларнинг ишончлилигини белгилайди. Яхши молиявий кўрсаткичлар акциядорларни инвестициялари учун мукофотлайди. Ташкилотнинг молиявий кўрсаткичлари акциядорнинг давр охиридаги холати бошидан кўра қанчалик яхши эканлиги билан ўлчанади ва буни молиявий ҳисботлардан олинган нисбатлар ёрдамида аниқлаш мумкин, хусусан, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботдаги маълумотлар. Концептуал асосга кўра, молиявий ҳисботнинг элементлари ва молиявий натижани ифодаловчи кўрсаткичлар қўйидагича таснифланади ва у З-жадвалда келтирилган.

З-жадвал

Молиявий ҳисботнинг элементлари ва молиявий натижани ифодаловчи кўрсаткичлари

Умумий тушунчалар	Элементлар номи	Таъриф ёки тавсиф
Иқтисодий ресурс	Актив	Олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс . Иқтисодий ресурс иқтисодий нафлар яратиш потенциалига эга бўлган хукуқ ҳисобланади
Талаб қилиш хукуки	Мажбурият	Ташкилотнинг олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарлиги
	Хусусий капитал	Ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидағи қолдиқ улуш
Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш хукуқларидағи ўзгаришлар	Даромадлар	Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш хукуқлари эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши
	Харажатлар	Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш хукуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши
	Фойда	Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти – 12-сонли «Фойдадан солиқлар»да бухгалтерия фойдаси давр учун фойда солиғи харажати чегириб ташланишидан олдинги фойда ёки заардир

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотимиз давомида энг эътиборли жиҳати, молиявий натижаларга доир ўрганишларимизда энг кўп ўчрайдиган иқтисодий категориялар мавжуд бўлиб, умумий ҳолда молиявий натижанинг асоси даромад ва харажатга бориб тақалаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда даромад ва харажатларнинг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик. Молиявий таҳлил соҳасида даромадлар ва харажатлар компаниянинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатадиган иккита асосий компонент ҳисобланади. Ушбу омиллар ўртаси-

даги ўзаро таъсирни тушуниш орқали манфаатдор томонлар компаниянинг рентабеллиги, молиявий ҳолати ва умумий фаолияти ҳақида қимматли тушунчаларга эга бўладилар.

Даромад ҳар қандай бизнеснинг қонидир. У товарлар ёки хизматларни сотишдан олинган умумий пул миқдорини ифодалайди. Даромад молиявий натижаларнинг асосий омили бўлиб хизмат қиласи ва унинг ўсиши компания муваффақияти учун жуда муҳимдир. Даромадни ошириш мижозлар базасини кенгайтириш, нархларни ошириш, янги маҳсулотларни жорий этиш ёки сотиш ва маркетинг ҳаракатларини яхшилаш натижасида юзага келиши мумкин.

Даромад компаниянинг молиявий фаолиятини баҳолаш учун асосий кўрсаткичидir. Бу компаниянинг таклифларига бўлган талабни ва мижозларни жалб қилиш ва ушлаб туриш қобилиятини акс эттирувчи даромад ўсишининг асосий кўрсаткичидir. Даромаднинг барқарор ўсиши, одатда, ижобий молиявий натижаларга олиб келади, бу соғлом ва муваффақиятли бизнесни кўрсатади.

Харажатлар компаниянинг кундалик фаолиятида қилган барча харажатларини ўз ичига олади. Улар сотилган маҳсулот таннархи, операцион харажатлар, сотиш ва маъмурий харажатлар, фоизлар каби турли тоифаларни ўз ичига олади. Харажатларни бошқариш ва назорат қилиш рентабеллик ва молиявий барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятта эга.

Сотилган маҳсулот таннархи компания томонидан сотилган товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатларни ифодалайди. У хомашё, тўғридан-тўғри меҳнат ва қўшимча ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади. Харажатларни самарали бошқариш яхшиланган фойда маржаси ва умумий молиявий натижаларга ҳисса қўшиши мумкин.

Операцион харажатларга бизнесни юритиш билан боғлиқ харажатлар, масалан, ижара, коммунал хизматлар, иш ҳақи, маркетинглар билан боғлиқ харажатлар киради. Ушбу харажатлар кундалик операцияларни қўллаб-қувватлаш ва ўсишни таъминлаш учун зарурдир. Операцион харажатларни дикқат билан кузатиб бориш ва оптималлаштириш самарадорликни ошириш, харажатларни тежаш ва молиявий натижаларни яхшилашга олиб келиши мумкин.

Корхонанинг молиявий натижаларига даромадлар ва харажатлар ўртасидаги боғлиқлик катта таъсир кўрсатади. Даромад харажатлардан ошиб кетганда, компания ижобий молиявий натижаларга олиб келадиган фойда келтиради. Аксинча, агар харажатлар даромаддан ошса, компания зарар кўради, бу эса салбий молиявий натижаларга олиб келади.

Рентабеллик бизнес учун асосий мақсад бўлиб, соғлом фойда маржасига эришиш даромадлар ва харажатлар ўртасидаги мувозанатни самарали бошқаришга боғлиқ. Харажатларни назорат қилишда даромадни ошириш орқали компания рентабеллик ва молиявий кўрсаткичларни ошириши мумкин.

Бундан ташқари барқарор фойда маржасини сақлаб қолиши қобилияти узоқ муддатли барқарорлик учун жуда муҳимдир. Бу компания харажатларни қоплаши, бизнесга қайта инвестиция киритиши ва акциядорларга даромад келтириши мумкинлигини таъминлайди.

Даромадларни стратегик жиҳатдан ошириш ва харажатларни самарали бошқариш орқали компаниялар ижобий молиявий натижаларга эришиши мумкин. Бунинг учун савдо ҳажмини ошириш, харажатларни самарали бошқариш ва операцион самарадорликни доимий баҳолашга эътибор қаратиш лозим. Манфаатдор томонлар, шу жумладан, инвесторлар, акциядорлар ва менежмент асосли қарорлар қабул қилиш, иш фаолиятини баҳолаш ва молиявий муваффақиятга эришиш учун стратегияларни ишлаб чиқиша даромад ва харажатлар динамикасини яқиндан таҳдил қиласи. Даромадлар ва харажатлар ўртасидаги соғлом мувозанатни сақлаш орқали корхоналар динамик бизнес муҳитида барқарор ўсиш ва рентабелликка йўл очиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу тадқиқот бўйича хулоса қиласидан бўлсақ, биз тадқиқот давомида молиявий натижанинг моҳиятини очишига ҳаракат қилдик. Молиявий натижаки хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини ҳар томонлама акс эттиради, у сотишдан тушган тушум, соғлар, фойда, инвестициялар рентабеллиги ва пул оқими каби омилларни ўз ичига олиши ойдинлашди. Шунингдек, манфаатдор томонларга компания фаолияти самарадорлигини баҳолаш, асосли қарорлар қабул қилиш ва унинг узоқ муддатли ҳаётйлигини баҳолаш имконини берувчи миқдорий ўлчов бўлиб хизмат қиласи.

Бундан ташқари молиявий натижаки компаниянинг барқарор фойда олиш, ресурсларни самарали тақсимлаш ва ўзгаришчан бозор шароитларига мослашиш қобилияти ҳақида тушунча беради. Охир-оқибат, молиявий натижаки стратегик режалаштириш, инвестиция қарорлари ва меъёрий хужжатларга мувофиқликни бошқарадиган асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи. У манфаатдор томонлар учун компас вазифасини бажариб, компаниянинг молиявий ҳолати ва унинг динамик бизнес муҳитдаги ўсиш ва муваффақият потенциалининг тўлиқ тасвирини тақдим этади.

Олиб борилган ўзгаришларга асосланиб, бизнинг фикримизча эса **молиявий натижаки**

хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги молиявий фаолиятидан олинган натижалар ва самарадорлик қўрсаткичлари, даромадларни шакллантириш, харажатларни бош-

қарис, рентабеллик, ликвидлик ва ташкилотнинг умумий молиявий ҳолатининг энг юқори нуқтасини ифодалайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. https://en.wikipedia.org/wiki/Financial_result
2. Гетьман В.Г. Бухгалтерский учет. Учебник. / Под ред. проф. В.Г.Гетьмана. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 601 с.
3. Ефимова О.В. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие для магистров. / О.В.Ефимова [и др.]. – М.: Омега-Л, 2013. – 388 с.
4. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник и практикум для академического бакалавриата. / В.Е.Леонтьев, В.В.Бочаров, Н.П.Радковская. – М.: Издательство Юрайт, 2016.
5. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. / Г.В.Савицкая. – М.: ИНФО, 2014. – 377 с.
6. Крейнина М.Н. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. – М.: Дело и Сервис, 2009. – 245 с.
7. Селезнева Н.Н. Финансовый анализ. Управление финансами. Учебное пособие. / Н.Н.Селезнева, А.Ф.Ионова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 639 с.
8. Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. Учебное пособие. / И.Т.Балабанов. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 276 с.
9. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. Монография. / В.В.Ковалев. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
10. Степаненко Е.И. Отчет о финансовых результатах в свете российских и международных стандартов бухгалтерского учета. / Е.И.Степаненко. // Вестник Российского государственного аграрного заочного университета. 2013. Т. 19. № 14. С. 194-199.
11. Бланк И.А. Управление прибылью. / И.А.Бланк. 3-е изд., перераб. и доп. – Киев: Ника-Центр, 2007. – 768 с.
12. Великая Е.Г. Стратегический потенциал и рентабельность организации. / Е.Г.Великая, В.В.Чурко. // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2014. № 2 (17). С. 7-9.
13. Курилова А.А. Формирование системы финансового планирования на предприятиях автомобильной промышленности. / А.А.Курилова. // Экономический анализ: теория и практика. 2011. №36. С. 18-26.
14. Толкачева Н.А. Финансовый менеджмент: курс лекций. / Н.А.Толкачева. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 144 с.
15. Ануфриев В.Е. Бухгалтерский учет основных средств, капитала и прибыли. Учебное пособие. / В.Е.Ануфриев. – М.: Бухгалтерский учет, 2012. – 112 с.
16. Соколов Я.В. Управленческий учет. Учебное пособие. / Я.В.Соколов. – М.: Магистр, 2011. – 428 с.
17. Вагазова Г.Р. Сущность финансовых результатов деятельности предприятия. / Г.Р.Вагазова, Е.С.Лукьянова. // Молодой ученый. 2015. № 11.3. С. 13-15.
18. Чуев И.Н. Комплексный экономический анализ финансовохозяйственной деятельности. Учебник. / И.Н.Чуев, Л.Н.Чуева. – М.: Дашков и Ко, 2013. – 384 с.
19. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. / А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин, Е.В.Негашев. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфра-М, 2016. – 208 с.
20. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг З-сонли БХМС – «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» миллий стандарти [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами: 484].



ЭКОЛОГИК АУДИТНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБЛИГИ

Мисиров Комолиддин Мамасабирович -
Фискал институт Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит кафедраси доцени., и.ф.д.

doi: doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a25

Аннотация. Ушбу мақолада экологик аудит дунё мамлакатларида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳитга антропоген таъсирини камайтириш, экологик муаммоларни бартараф қилиш ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида иқтисоди ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганилган.

Калим сўзлар: экология, атроф-муҳит, экологик иқтисод, экологик экспертиза, экологик назорат, аудит, экологик аудит ва экологик харажатлар аудити.